

Болалигимдан табиат кўйнида хаёл суришни яхши кўрардим. Хаёл огушида бўлиб, табиатнинг энг кичик зарраларидаги хаётни кўргим келарди. Хаёлан ўзим ўша кичик заррачалардаги хаётни кўргандай бўламан. Бора-бора бу холат мени батамом ўзига мафтун килди. Ўн ёшга тўлган кунимни аник бир иликлик билан эслайман. Айнан ўша куни амакиларимдан бири менга микроскоп совга килди ва унинг мўжиза эканлигига ишондим.

Бу оламнинг гўзаллиги хамон мени хайратга солади. Ойим ачиб колган мураббони тўкиб ташлабди. Ховлига ниманидир излаб чикдим-у кўзим ачиб колган мураббога тушди. Мураббонинг бир томчисини олиб микроскоп тагига кўйдим. Мураббо мўжиза тўла боғ бўлди. Микроскопнинг сехрли линзалари менга жажжи дараҳтларнинг шохларида осилиб турган меваларни кўрсатарди. Мен гўё ўша лахзада янги бир жаннат bogiga рўпара келгандек бўлдим. Албатта, бу сир хакида хеч кимга сўз очганим йўқ. Хаётим бутунлай микроскоп билан boglik бўлиб колди ва ўзимни бу мўжизакор кучга багишлишга карор килдим. Менинг бу карорим, табиийки ота-онамга ёкмасди. Оиламиз бой-бадавлат бўлгани учун ишлашимга умуман хожат йўқ эди. Аммо ёшим 20 га якинлашавергач, ота-онам мёнга бирор касбни танлашинг шарт, деган талабни кўя бошлашди. Нуфузли касбни эгаллаш ўрнига аллакандай бўлмагур нарса устида бош котиришим уларга ёкмас, бу оиламизнинг обрўсига хам тўгри келмасди. Ўйлаб-ўйлаб Ню-Ёркда тиббиёт бўйича ўкишга карор килдим. Бу шахар уйимиздан анча олисда эди. Бу эса албатта, вактимни ўзим истаган нарсага багишлишга имкон берарди. Агар ўкиш пулини вактида тўласам бас, уйдагилар дарс колдираётганимни мутлако билмайдилар. Энг асосийси, бу шахарда ажойиб-гаройиб микроскопларни сотиб олишга, колаверса, бутун дунё олимларининг илмий анжуманларида катнашишга, тубсиз саволларимга жавоб топишга етарли вактим бўларди. Орзуларимни амалга ошириш учун кўлимда етарли даражада пул ва вакт бўлишидан хурсанд эдим.

Мен жойлашган уй каттагина эди, шу сабабли хоналардан бирини лабораторияга айлантиридим, хонани киммат жихозлар билан тўлдириб ташладим. Шу билан бирга менга керак бўлган, айникса, ишимга тааллукли буюмларни хам харид килдим. Йил охирига келиб эса микроскоп устаси бўлиб кетдим. Микроскопнинг турлари-ю уларнинг икир-чикирларини тўлалигича ўзлаштиридим. Кимматбаҳо микроскопимнинг линзалари хаёт хакидаги саволларимга жавоб беришга ожизлик киларди. Асбобимнинг чегараланган кучи табиатда хали хам жумбоклар борлигидан далолат берар ва менинг саволларимни изохлаб беришга кучи етмасди. Тунлари билан адоксиз саволлар ечимини топиб бера оладиган линзали кучли асбоб топишни орзу килардим. Бундай линза кичик зарралардаги ривожланишни кўришга имкон бериши лозим эди. Мен ўзим орзу килган мукаммал линзанинг яратилишига амин эдим. Ишга жиддий киришиб, дастлабки икки йилни линзани яратишга сарфладим. Турли хил нарсаларни тажриба килиб кўрдим, оддий шишадан тортиб, кристал-у кимматбаҳо тошлар хам колмади, бирок мен кутган натижга йўқ эди. Ота-онам тиббиёт соҳасидаги эришган «муваффакиятларимни» кўриб жахллари чиқди. Ахир мен бирор марта дарсга бормагандим-да. Бунинг устига тажрибаларим учун анчагина пул сарфлаб кўйгандим. Отам даргазаб бўлиб, мени каттик сўрок килди. Мен эса бошимни эгганимча индамай туравердим. Тавба килиб, бундан буён ўкишга жиддий киришаман, деб уларга ваъда бердим. Ўша лахзаларда хам кўз олдимдан факат ўткир линзали микроскоп ўтар, ота-онамнинг тазиики хам мени бу ишдан

совутолмасди.

Кунлардан бир кун лабораториямда тажриба ўтказаётганимда, эшик такиллаб колди. Остонада Жулис Симоннинг турганини кўрдим. Симон мендан бир кават юкорида туради. У такинчоклар, кимматбаҳо буюмлар билан шугулланади, ўзига тўқ киши. Шундай бўлишига карамай, Симоннинг кандайдир менга номаълум бўлган сири бор эди. У хар доим нимадир сотиб юрар, кўлида кимматбаҳо расм, хайкалча ёки камёб бўлган кандил кўрардим. Симоннинг нима учун бундай килишини тушунмасдим. Чунки у сира пулга муҳтоҷ әмас, унинг кўпгина ўртоклари Ню-Ёркдаги бадавлат оила вакиллари эди. Симоннинг уйига бойваччалар тез-тез келиб туришар ва улар соатлаб улфатчилик килишларига гувоҳ эдим.

Мен Симонни лабораториямга таклиф килганимда, негадир каттиқ хаяжонда эди.

— Биласанми, оғайни, мен хозир дунёдаги энг даҳшатли нарсани кўриб келяпман! — деди у.

Мен таажжубландим. У нафасини зўрга ростлаб, гайритабиий ва сирли кучга эга бўлган аёлниги борганини айтиб берди. У бир аёл ўликлар билан гаплаша олишини ва одамларнинг фикрларини ўкий олишини айтиб, мени лол колдирди. Симон аёлни текшириш учун когозга ўзи хакида саволлар ёзган, Валпес хоним эса саволларга тўгри жавоб берган. Бу аёл хакидаги маълумот менда ажиб бир фикр уйготди. Балки у мукаммал, тўла-тўкис бўлган линзаларни яратишга ёрдам берар? Ана шу умид билан икки кундан сўнг унинг уйига бордим. Валпес хоним Симон таърифлаганидек, истараси совук, жохил юзли бўлиб, менда умуман илик таассурот колдирмади. У мени меҳмонхонага бошлади. Катта стол атрофидаги стуллардан бирига ўтиргач, хоним сўради:

— Нима максад билан келдинг?

— Мен гаплашмокчи бўлган одам анча йил олдин хаётдан кўз юмган! — дедим мен.

— У отангми?

— Йўқ, у кашфиётчи олим эди.

— Кўлингни стол устига кўй.

Бир неча дақиқадан сўнг хонани коронгулик эгаллай бошлади, бирок Валпес хоним чирокни ёкмади. Аста-секин жарангли товушлар кулокка чалинди. Олдин стол, кейин стуллар, сўнгра пол, хатто деразалар хам такиллади. Валпес хоним каршимда хайкалдай ўтирас эди.

— Омадинг бор экан, бугун улар анча сергак, сен гаплашмокчи бўлган одамнинг исмини когозга ёзишинг мумкин, — деди у.

Мен тезда ён дафтарчамдан варак йиртиб олдимда, олимнинг исмини ёздим ва когозчани хонимга кўрсатмай агдариб кўйдим. Кутимаганда Валпес хонимнинг кўллари шунчалик каттиқ калтирадики, хатто стол жойидан силжиб кетди. У рухнинг келганини ва хат ёзиш учун когоз сўраётганини айтди. Стол устига когоз ва ручкани кўйгач, когозчага нимадир ёзилди. Тезда когозчани олиб ўкидим. «Мен шу ердаман, саволингни бер» деб тагига Ливенхок деб имзо кўйилганди. Кўзларимга ишонмасдим, чунки ёзув мен ёзган исмнинг ўзгинасиники эди. Валпес хонимнинг Ливенхок ким эканлигига кизикмаслигига ишончим комил эди. Тўгри-да, микроскопни ким ихтиро килганини бу аёл каердан хам билсин? Тезда саволимни бошка варакка ёздим. «Муқаммал линзаларни кандай яратса бўлади?» Ливенхок шундай жавоб ёзди: «140 каратли олмос топ. Унга кучли электр заряд бер. Электр олмоснинг атомларини ўзгартиради. Сўнгра бу тошдан муқаммал линза яратса бўлади».

Валпес хонимнинг уйидан кайфиятим тушиб кайтдим. Бундай катталиқдаги олмосни каердан топаман? Уни топган тақдирда хам сотиб олишга курбим етмайди. Уйга якинлашганимда, Симоннинг ёргулар таралиб турган деразасига кўзим тушди, тепага кўтарилидим. Унинг эшигини такиллатдим, садо йўк. Эшикни итариб кўрдим, охиста очилди.

Симон чирокка энгашиб нимадир киларди. Хаёлим 140 каратли олмосда бўлгани учун унинг холатини локайдларча кузатардим. Сўнгра олдига якинлашиб столни чертдим. У ўгирилди, мени кўрди-ю кўлидаги нарсани чўнтағига солиб кўйди, негадир юzlари кизариб асабийлаша бошлади.

— Нимага караётгандинг? — деб кизикиб сўрадим. У жавоб бериш ўрнига, ўтиришга таклиф килди.

— Симон, мен Валпес хонимнидан келаяпман, — дея гап бошладим.

— Хўш, давом эт! — деди у.

— У менга мукаммал линзани яратиш учун бир неча йўл-йўрикларни айтди. Агар 140 каратли олмос топсан, бу ишни уddaрайман, — дедим. Шунда Симоннинг кўллари титраб кетди, юзидан асабийлаша бошлаганини пайкаш кийин эмас эди.

— Сенга олмос керакми? 140 каратли олмос — менинг хазинам. Мен уни сенга икки дунёдаям бермайман, уни олишинг учун мени ўлдиришингга тўгри келади.

— Нималар деяпсан, Симон. Мен илмий муаммом бўйича Валпес хонимдан ёрдам сўраб боргандим. Бунинг учун менга катта олмос кераклигини айтди. Сенда бундай катта олмос бўлмаса хам керак. Агар бўлганида сен бу ерда яшамас эдинг, — дедим мулоимлик билан. Унинг нима хакида гапирганини ўша вакт пайкамадим. Унга тикилиб караганимда, юzlари негадир терлаганини кўрдим.

— Олдин юзингни бир артсанг бўларкан, Симон!

У индамай чўнтағига кўл солиб дастрўмолчасини олаётганида нимадир так этиб ерга тушди. Иккаламиз хам унга тикилиб колдик. Ерга тушган нарса чирок нурида оплок бўлиб ялтираб кетди. Кўзларимга ишонмадим, бу олмос эди, айнан менга керак бўлган 140 каратли олмос. Симон уни кизгангандек чўнтағига солди. Мен бояги гапларини энди тушундим ва хеч нарсани кўрмаган кишидек:

— Кел Симон, вино ичамиз. Хаммасини унут, уйда иккита шишам бор, тозасидан, нима дединг? — дея таклиф киритдим.

— Зўр фикр, — деди у кўллаб-куватлаб.

Уйга кириб шишаларни жавондан олаётганимда хам хаёлим олмосда эди. Шу топда уни кўлга киритиш ягона максадимга айланган эди. Шишаларни унига олиб чиқдим. Биз ича бошладик, биринчи шиша тугагач, Симонни уйку элита бошлади, у маст бўлиб колганди. Мен эса айнан шу дакикаларни кутаётгандим, чунки унинг бисотидаги кимматбахо буюмни кўлга киритишум учун имкон тугилган эди.

У билан иккинчи шишани тугатгач, хайрлашиб хонамга келдим. Менинг бутун диккат-еътиборим олмосда бўлгани боис, хатто вино хам таъсир килмади. Кўзларимни юмиб ухлашга харакат килсан-да, сергак эдим. Уни гумдон килиш режасини туза бошладим. Симоннинг уйида ишни бажариш учун барча асбоблар мавжуд эди; уйку дориси, узун катта пичок. Соат кечаси 3 га якинлашгач, унига кўтарилидим, ажабо, мен эшикни кандай ёпган бўлсан, шундайлигича турибди.

Симон котиб ухлаб ётарди. Даствлаб чўнтағига кўл солдим. Олмосни олгач, кўлимдаги пичокни кўкрагига санчмокчи бўлдим. Шу пайт зина тарафдан кадам товушлари эшитилди. Шарпа Симоннинг эшигига якинлаша бошлади. Кўркканимдан ошхона томонга

караб югурдим. Ошхона эшиги ортига беркиниб, Симон ётган хонадан кўз узмас эдим. Кадам товушлари эшик олдида тўхтагандай бўлди. Мен калтираб турардим, аммо эшик очилмади. Кимдир эшик олдига адашиб якинлашди-ю кейин узоклашди. Хайрият! Мен Симонга якинлашдим. Ажабо, унинг юраги урмас эди, мен ишонкирамай уни текшириб кўрдим, Симон аллакачон бу ёруг дунёни тарк этган эди. Орадан икки-уч кун ўтгач, унинг ўлгани кўшниларга маълум бўлди. Шундан сўнг тергов бошланди. Хамма кўшнилар катори мен хам сўрок килиндим. Айбиз эканлигимни билишгач, кўйиб юборишиди. Орадан бироз вакт ўтиб, суд тиббий экспертиза натижаси маълум бўлди. Ўша кеча Симон винони меъёридан зиёд истеъмол килгани маълум бўлди. Ортичча ичимликни юраги кўтара олмаган, шекилли.

---

## II

Симоннинг ўлимидан сўнг куну тун олмосга ишлов бердим. Нихоят, мен кутган линзалар тайёр бўлди. Сув томчисини шиша идишга куяётганимда, кўлларим негадир калтираб кетди. Эҳтиёткорлик билан линза куриб колмаслиги учун сувга озгина ёг томчисини кўшдим. Шишанинг тагидан кучли ёргулк туширдим ва олмос линзалардан карай бошладим.

Бир неча дакикагача сув томчисида хеч нарса кўринмади. Сўнгра соф, ок нур таралди. Эҳтиёткорлик билан микроскоп линзасини сув томчисига якинлаштирудим. Аста-секинлик билан ок нур ўзгара бошлади. У ерда ажиб манзара — булатлар, дарахтлар, чиройли гуллар пайдо бўлди. Бутун манзара кизил, яшил, пушти, тилла, кумуш рангларнинг коришмасига ўхшарди. Дарахтларнинг шохлари майин шабадада тебрана бошлади. Хамма жойга кўз югуртирудим, турфа рангдаги мевалар, гуллар...

«Кизик, биронта хам хайвон йўқ бу ерда» деб ўйладим. Атрофни синчиклаб кузатдим. Шу пайт дарахт ва буталар орасида бир нарсанинг тебранаётганига кўзим тушди.

Буталарнинг тилларанг шохлари секингина кўтарилиди ва каршимда мен хали хаёлимга келтиролмаган, умримда учратмаган мафтункор сохибжамол пайдо бўлди. Ха, у нихоятда гўзал эди, тиник юзи, кўм-кўк шахло кўзлари, узун соchlари елкасида тўлгониб турарди. У камалак рангдаги дарахтлардан узоклаша бошлади. Гўёки сувда сузаётган гулдай у хам хавода сайр килаяпти. У худди шамолда тебранаётган кўнгирокларнинг жарангли овозини эслатарди. Сохибжамол камалак ранглари товланиб турган дарахтлар тагига борди. Дарахт шохлари эгилиб, уни ўз меваларига кўмиб ташлади. У жажжи кўллари билан мевани олиб ея бошлади. Канийди, ўша лахзада унинг олдига бориб, мана шу ўрмонда у билан бирга юрсам, сайр килсам... Уни топишим керак, табиатнинг нодир мавжудоти мени ўзига шайдо килди-кўйди. У сув томчисидан хосил бўлган махбуба эмасмикан? Лабораториямдан югуриб чикиб, ўзимни каравотга ташладим ва ухлаб колгунимча кўзимдан ёш томчилари куюлаверди.

Мен уни кўриш учун хар куни микроскоп олдига келардим. Хонамдан умуман чикмасдим. Иштахам йўқ, ухломайман. Севгилимни кўриш учун микроскоп олдига борганимда, у

жойида ўтиради. Кутилмаганда даҳшатли ўзгариш рўй берди. Унинг юзлари нурсиз, ўзи эса зўрга юрарди. Сочларидаги, кўзларидаги нур, тароват йўқ, бетобга ўхшайди. Унинг ёнига кириб ёрдам бериш учун калбимни, жонимни хадя этишга рози эдим. Кандай дард унга азоб берди экан? Киз кучли оғриқдан кийналарди. Маъшукамни яраланган калб билан соатлаб томоша килдим. Дақикалар имиллаб ўтмоқда. У борган сари нимжонлашиб бораверди. Унга кўшилиб ўрмон хам ўзгариб борар, дараҳтлар жозибасиз, курук эди.

Тўсатдан бир неча кун сув томчисига карашни унутиб кўйганлигим ёдимга тушди.

Микроскоп билан овора бўлиб, сув томчисини бутунлай унутибман. Микроскоп тагидаги ойнага карагач, хаммасига тушундим. Сувни куришдан асраш учун унга ёг томчисини кўшмаганим ёдимга тушди. Сув куриб бўлган экан. Ана шунинг таъсири туфайли сув париси сўнаётган ёругликнинг сўнгги нурлари остида ётарди. Унинг нимжон танаси куриб, юзи ажин билан копланганди. Кейин у бутунлай кўринмай колди. Хушимни йўкотиб кўйиб анча вактдан сўнг ўзимга келдим. Кўзимни очсан, микроскоп бўлаклари устида ётибман. Олмос линзаси сингари миям хам бўлакларга бўлиниб кетгандай эди. Жойимга зўрга судралиб бориб, кўз олдимдаги сирли дунёни тарк этдим.

Бир неча ойлардан сўнг пулим тугади. Одамлар мени батамом тентакка чикиришди. Ха, улар мени «Линли тентак олим» деб аташади. Хеч бир кимса Ливенхокнинг рухи билан гаплашганимга ишонмайди. Улар Жулис Симон воқеасини, мукаммал линза яратиш учун унинг олмосини ўғирлаганлигимни айта бошласам, устимдан кулишади, хеч качон сув томчиси остидаги гўзал хаётни кўрганлигимга ишонишмайди. Бирок мен олмос линза хакикатини биламан. Одамларнинг нима дейишлари мен учун ахамиятсиз. Энг мухими, мен сизларга олмос линзалар тарихини хикоя килиб бердим.

Инглизчадан Хулкар ва Нилуфар Мухаммевалар таржимаси.